



**QARSHI DAVLAT
TEXNIKA UNIVERSITETI**

INNOVATSION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2025 MAXSUS SON

**INNOVATSION IQTISODIYOT: MUAMMO, TAHLIL VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI 2-XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN
materiallari asosida tayyorlangan**



@QMI_Instituti



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



www.kstu.uz
www.ojs.qmii.uz

INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА
Научно-практический
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY
Electronic Scientific and Practical
Journal

INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Muassis:

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Tahririyat Kengashi raisi o'rinbosari:

S.N.Xamrayeva, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qarshi davlat texnika universiteti

Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD, dotsent

Qarshi davlat texnika universiteti

Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov, PhD

Qarshi davlat texnika universiteti

Jurnal har oyda bir marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

"Innovatsion iqtisodiyot" ilmiy - amaliy O'zbekiston elektron jurnali ta'lim, fan va innovatsiyalar Respublikasi Oliy vazirligi huzuridagi **Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2025-yil 5-apreldagi 369-sonli qarori** bilan milliy ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan

Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamli iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmat ko'rsatish va turizm sohasi
11. Olima ayollarning ilmiy tadqiqot natijalari

TAHRIRIYAT KENGASHI:

Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Овчиников Виктор Николаевич - i.f.d., professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Солодовников Сергей Юревич - i.f.d., professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Сидиров Виктор Александрович - i.f.d., professor, (Kuban davlat universiteti)

Шевченко Игорь Викторович - i.f.d., professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Кусайнов Халел Хаымуллойевич - i.f.d., professor (Qozog'iston davlat texnologiya universiteti)

Samandarzoda Iskandar Hakim - i.f.d., i.f.d., professor (SH.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Гибадуллин Артур Артурович Национальный исследовательский университет

Московский энергетический институт Войнаш Сергей Александрович

Казанский приволжский (федеральный) университет

Пуляева Валентина Николаевна Финансовый университет при Правительстве РФ

Морковкин Дмитрий Евгеньевич Финансовый университет при Правительстве РФ

Садриддинов Манучехр Исмоиддинович Международный университет

туризма и предпринимательства Таджикистана, Душанбе

Перская Виктория Вадимовна директор Института исследований

международных экономических отношений, Финансовый университет при

Правительстве РФ

Молчанов Игорь Николаевич Профессор экономического факультета.

Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова

Басова Мария Михайловна Заместитель декана факультета налогов, аудита и

бизнес-анализа Финансовый университет при Правительстве РФ

Чупин Александр Леонидович Заместитель декана экономического факультета

Российский университет дружбы народов имени П.Лумумбы

Незамайкин Валерий Николаевич Профессор кафедры финансов и кредита

Российский государственный гуманитарный университет

Никонорова Алла Владимировна Доцент кафедры экономической теории

Финансовый университет при Правительстве РФ

Дмитриева Ольга Александровна Доцент кафедры налогов и налогового

администрирования факультета налогов, аудита и бизнес-анализа

Финансовый университет при Правительстве РФ

Швец Юрий Юрьевич Лаборатория управления инновациями, Институт

проблем управления Российской академии наук

Колосова Елена Валерьевна Лаборатория управления инновациями,

Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова

Tahririyat Kengashi a'zolari:

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - i.f.d., professor, akademik

Bozorov Orifjon Shodiyevich - t.f.n., dotsent

Pardayev Mamayunus Qarshiboyevich - i.f.d., professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich - i.f.d., professor

Navruz-zoda Baxtiyor Negmatovich - i.f.d., professor

Xatamov Ochildi Qurbonovich - i.f.d., professor

Fayziyeva Shirin Shodmonovna - i.f.n., professor

Jumayeva GulruxJo'raqulovna - i.f.n., professor

Egamberdiyeva Salima Raimovna - i.f.n., dotsent

Erkayeva Gulbahor Panjiyevna - i.f.n., professor

Amirqulov Shuhrat Olimovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Samiyeva Gulnoza Toxirovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - i.f.n., dotsent

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Turobov Sherzod Alisherovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Alimova Munisa Yulchiyevna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Ergasheva Nasiba Raxmatullayevna - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Boboqulov Sanjar Baxromkulovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Djalilov Raxmonkul Hamidovich - i.f.f.d., (PhD), dotsent

Nomazov Baxrom Bobomurodovich - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Alimxanova Nigora Alimxanovna - i.f.f.d. (PhD) dotsent

Инновационная экономика

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

Учредитель:

Каршинский государственный технический университет

Председатель Редакционного Совета:

Р.Х. Эргашев, доктор экономических наук, профессор
Каршинский государственный технический университет

Заместитель председателя Редакционного Совета:

С.Н. Хамраева, доктор экономических наук, профессор
Каршинский государственный технический университет

Ответственный редактор:

Н.А. Очилова, PhD, доцент
Каршинский государственный технический университет

Технический редактор:

Ф.Ф. Хаккулов, PhD
Каршинский государственный технический университет

Журнал издается один раз в месяц в электронном виде
через официальный сайт журнала.

Адрес редакции:

180100, город Карши, улица Мустакиллик, дом 225

Тел.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Факс: +998 (75) 221 13 95

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

Научно-практический узбекский электронный журнал «Инновационная экономика» включен в перечень национальных научных изданий **Постановлением Президиума Высшей аттестационной комиссии при Главном министерстве образования, науки и инноваций Республики Узбекистан от 5 апреля 2025 года № 369.**

Статьи публикуются в журнале на основе следующих рубрик:

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика региона и отрасли
4. Малый бизнес и частное предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг
11. Результаты исследований женщин-ученых

Редакционная коллегия:

Международные члены Совета редколлегии:

Овчиников Виктор Николаевич - и.ф.д., профессор, академик (Южный федеральный университет, Россия)

Солодовников Сергей Юрьевич - и.ф.д., профессор (Белорусский национальный технический университет)

Виктор Александрович Сидиров - доктор технических наук, профессор, (Кубанский государственный университет)

Шевченко Игорь Викторович - и.ф.д., профессор (Кубанский государственный университет, Россия)

Кусаинов Халел Хаймуллаевич – кандидат технических наук, профессор (Казахстанский государственный технологический университет)

Самандарзода Искандар Хаким - к.т.н., профессор (Таджикистанский аграрный университет им. Ш. Шотемура)

Гибадуллин Артур Артурович Национальный исследовательский университет «Московский энергетический институт» Войнаш Сергей Александрович Казанский Приволжский (Федеральный) университет

Пуляева Валентина Николаевна Финансовый университет при Правительстве РФ Морковкин Дмитрий Евгеньевич Финансовый университет Правительство РФ

Садриддинов Манучехр Исламиддинович Международный университет туризма и предпринимательства в Таджикистане, Душанбе

Перская Виктория Вадимовна – директор Института исследований международных экономических отношений, Финансовый университет при Правительстве РФ

Молчанов Игорь Николаевич Профессор экономического факультета. Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова

Басова Мария Михайловна Заместитель декана факультета налогообложения, аудита и бизнес-анализа Финансового университета Российской Федерации

Чупин Александр Леонидович Заместитель декана экономического факультета Российского университета дружбы народов имени П. Лумумби

Неземайкин Валерий Николаевич Профессор кафедры финансов и кредита РГГУ

Никонова Алла Владимировна Доцент кафедры экономической теории Финансового университета Российской Федерации

Дмитриева Ольга Александровна Доцент кафедры налогообложения и налогового администрирования факультета налогообложения, аудита и бизнес-анализа Финансового университета Российской Федерации

Швец Юрий Юрьевич Лаборатория инноваций управления, Институт проблем управления РАН

Колосова Елена Валерьевна Лаборатория инноваций управления, Российский экономический университет имени Г.В. Плеханова

Члены Совета редколлегии:

Гулямов Саидахрор Саидахмедович – доктор экономических наук, профессор, академик

Бозоров Орифжон Шодиевич - кандидат технических наук, доцент

Пардаев Мамаюнус Каршибоевич - доктор экономических наук, профессор

Вахабов Абдурахим Васикович - доктор экономических наук, профессор

Навруз-зода Бахтиёр Негматович – доктор экономических наук, профессор

Хатамов Очилди Курбанович – доктор экономических наук, профессор

Файзиева Ширин Шодмоновна – кандидат экономических наук, профессор

Жумаева Гулрух Журакуловна – кандидат экономических наук, профессор

Эгамбердиева Салима Раимовна – кандидат экономических наук, профессор

Еркаева Гулбахор Панжиевна – кандидат экономических наук, профессор

Амиркулов Шухрат Олимович – доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Самиева Гулноза Тохировна - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Алигулов Азамат Туйгунович - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Аминов Фазлитдин Бахадирович - кандидат экономических наук, доцент

Хужакулова Нигора Рустамовна - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Туробов Шерзод Алишерович - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Алимова Муниса Юльчиевна - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Эргашева Насиба Рахматуллаевна - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Бобокулов Санжар Бахромкулович - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Джалилов Рахмонкул Хамидович - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Номазов Бахром Бобомуродович - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Алимханова Нигора Алимхановна - доктор философии экономических наук, (PhD), доцент

Mundarija

Nazariya va metodologiya	32
Ўзбекистонда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг ижтимоий-иқтисодий масалалари <i>Хусаинов Равшан Рахимович, Бобоёров Равшан Отабекович</i> <i>Рашидова Дилфуза Фаниевна</i>	33
Innovatsion biznes modellar: koevolyutsiya platformasidagi yangi iqtisodiy yechimlar	40
<i>Sidorov Viktor Aleksandrovich</i>	
Креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари	47
<i>Қулмамат Джанзакович Мурзаев</i>	
Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ва яшил иқтисодiyot sohasida normativ-huquqiy hujjatlarning amalga oshirilishini tahlil qilish	51
<i>Imomnazar Egamberdiyevich Tursunov</i>	
Innovatsion iqtisodiyotning rivojlanish yo'llari va strategik yondashuvlar	57
<i>Ergashev Tohir Kurbanovich, Toxirova Nigora Zokirjon qizi</i>	
"Yashil" iqtisodiyot: nazariy asoslari va rivojlanish istiqbollari	61
<i>Bobokulov Bahromqul Mamatkulovich, Sharipov Sardor Begmaxmat o'g'li, Maxmudova Mohinur Ravshanbekovna</i>	
Yashil iqtisodiyot sharoitida ish o'rinlarini yaratish	67
<i>Maryam Sharipovna Nazarova, Ravshan Akbarali o'g'li Berdikulov</i>	
Sirkulyar iqtisodiyot konsepsiyasining paydo bo'lish tarixi va uni rivojlanish bosqichlari	73
<i>Narzullayev Elmurod Shuxrat o'g'li</i>	
Raqamli iqtisodiyot	78
O'zbekistonda fintex sanoati evolyusiyasi: salohiyat va kelgusidagi rivojlanish	79
<i>Sayyora Nasimovna Hamrayeva</i>	
Xalqaro mehmonxonalarda sun'iy intellektni qo'llash imkoniyatlari	86
<i>Satullayev Azamat Damirovich, Amriddinova Rayxona Sadriddinovna</i>	
Sanoat korxonalarida innovatsion faoliyat samaradorligini oshirishda raqamli iqtisodiyotning roli	90
<i>Asimova Feruza Abdusattorovna</i>	
Innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishning strategik yo'nalishlari va mexanizmlari	95
<i>Djumabayeva Shaira Xalillayevna</i>	
Атроф-муҳитни муҳофaza qilishda innovatsion texnologiyalarning ahamiyati	98
<i>To'lqin Nurboboyevich Yarboboyev, Karima Yodgor qizi Qosimova</i>	
Iqtisodiyot va biznesda so'nggi texnologiyalarni tadbiiq etishning nazariy-metodologik jihatlari	103
<i>Nargiza Abduqahorovna Kamilova</i>	
Zamonaviy ta'lim konseptiyasida mobil ilova va bulut xizmatlarining integrariyasi	109
<i>Irina Jumanazarovna Bozorova, Lobar Dhamshidovna Maxmanazarova</i>	
Germaniyada "yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirish xususiyatlari	114
<i>Safarova Zulfizar Zafar qizi</i>	
Raqamli moliyaviy texnologiyalar va ularning moliya bozori barqarorligiga ta'siri	118
<i>Odilbekov Shaxbozbek Shuxratjon o'g'li</i>	
Korxonalar faoliyatining iqtisodiy tahlilini qilishda sun'iy intellektdan foydalanish: imkon va muammolar	124
<i>Saliev Baxodir Kamilovich</i>	
Raqamli iqtisodiyotga ўtishda bilvosita soliqlar hisobining nazariy huquqiy asoslari	127
<i>Dжалилов Раҳмонкул Ҳамидович</i>	
Raqamli moliyaviy aktivlarni joriy etish metodologiyasini takomillashtirish	131
<i>Yakubova Shamshinur Shuxratovna</i>	

Молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар ҳисобини ҳалқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

Алимханова Нигора Алимхановна

Совершенствование финансовых отчётов материального учета на основе международных стандартов

Алимханова Нигора Алимхановна

Improvement of financial statements of material accounting based on international standards

Alimkhanova Nigora Alimkhanovna

Received: October 1, 2025 Revised: October 6, 2025 ■ Accepted: October 9, 2025 ■ Published Online: November 1, 2025

- **Аннотация.** Мазкур мақолада товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларда ёритиб беришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш этаплари ҳамда товар-моддий захираларни бошқариш йўналишлари бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.
- **Таянч сўзлар.** товар-моддий захиралар, харажатлар, маҳсулот таннархи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, FIFO, AVECO, молиявий ҳисобот.
- **Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы ведения товарно-материальных запасов и применения международных стандартов финансовой отчетности в финансовой отчетности. Также разработаны научно-практические предложения и рекомендации по этапам гармонизации учета запасов с международными стандартами финансовой отчетности и направлениями управления запасами.
- **Ключевые слова.** запасы, затраты, себестоимость продукции, международные стандарты финансовой отчетности, ФИФО, АВЕКО, финансовая отчетность.
- **Abstract.** This article examines the issues of keeping inventory and applying international standards of financial reporting in financial reporting. Also, a scientific and practical proposal and recommendations were developed on the stages of harmonization of inventory accounting with international standards of financial reporting and directions of inventory management.

- **Key words.** inventories, costs, production costs, international financial reporting standards, FIFO, AVECO, financial reporting.

■ КИРИШ

Энг салмоғи юқори бўлган активларидан бири хўжалик юритувчи субъектларда бу товар-моддий захиралар. Товар-моддий захираларни оқилона бошқариш натижасида мазкур активлар бўйича сарф-харажатларини камайтиришга, меъёрдан ортиқча тўлдириш ёки ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши хавфини камайтиришга ҳамда оптималлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, ҳисобини тўғри ва самарали ташкил қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллиги, активлар айланмаси ва умумий молиявий барқарорлик каби молиявий кўрсаткичларни яхшилашга эришилади.

Товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилигига риоя қилишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда бухгалтерия хизмати ходимлари нафақат солиқ қонунчилигига риоя қилиш балки инвестицияларни жалб қилиш ва молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини тўғри қўллашлари лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг айрим нобарқарор бўлган кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мослашувчан бўлиши лозим. Бунинг натижасида, товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларга талаб, таклиф ва бошқа ташқи омилларнинг ўзгаришига яхшироқ мослашиш имконини яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий ахборот технологиялари ва таҳлилий воситаларида товар-моддий захираларни ҳисобга олиш аудит жараёнларини сезиларли даражада яхшилаш, хатолар ва номувофиқликлар хавфини сезиларли даражада камайтириш, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим маълумотлардан тезкор фойдаланиш имконини беради.

Умуман олганда, товар-моддий захираларни ҳисобини юритишни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг энг устуворларидан бири бўлиб қолмоқда.

■ МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан хорижий ва маҳаллий олимлар бир қатор сезиларли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Т.Хайдаровнинг таъкидлашича, «товар-моддий захираларга ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар киритилади» [1].

Грециялик иқтисодчи олимлар Г.Приниотакис ва П.Аргуропулосларнинг фикрича, «захиралар миқдорини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Захиралар миқдорининг кўплиги ташкилот ликвидлигини пасайтиради. Аксинча захиралар миқдорининг камлиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва фойданинг камайишига олиб келади» [2]. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар (Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A) таъкидлашича, «товар-моддий захиралар корхона активлари таркибида катта салмоқни ташкил этади. Товар-моддий захиралар миқдорининг камлиги ёки кўплиги ишлаб чиқариш занжирига таъсир этиб, фаолиятнинг барқарорлигига таъсир этади» [3].

Е.С.Ахрамеевнинг ҳисоблашича, «захиралар хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришда, бошқаришда ёки сотишда меҳнат объекти сифатида фойдаланиладиган, ҳар бир ишлаб чиқариш циклида истеъмол қилинадиган ва ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган активларни ифодалайди» [4].

Т.В.Карамзин захираларни «баланс актида акс эттириладиган компания айланма фондларининг таркибий қисми, материаллар ва маҳсулот сифатида кўриб чиқади» [5].

Бугунги кунда захираларни аниқлаш мазмуни бўйича қарашларнинг хилма-хиллиги уларни таснифлашда турлича ёндашувлар мавжудлигини белгилаб беради.

И.В.Гейцнинг ҳисоблашича, «саноат корхонасида моддий-ишлаб чиқариш захиралари учта тур бўйича таснифланади:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулот» [6].

Таъкидлаш керакки, товар-моддий захиралар иқтисодий моҳияти ҳақидаги фикрларни умумлаштиришга кўра, аксарият ҳолларда муаллифлар миллий ва халқаро

стандартларда тақдим этилган таърифнинг анъанавий ифодасига риоя этганлигини кўрсатди. Бизнинг тадқиқот кузатишларимизга кўра энг оптимал таъриф сифатида «товар моддий захиралар хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришда, бошқаришда ёки сотишда меҳнат предмети сифатида фойдаланиладиган, ҳар бир ишлаб чиқариш давомийлигида истеъмол қилинадиган ва яқунда ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган активлардир».

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2018-2022 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг товар-моддий захиралар миқдорини ҳисобга олишда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри юритиш, уларнинг миқдорини ва сифатини мунтазам равишда баҳолаб бориш бухгалтерия хизмати ходимлари олдида турган ҳамда молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш

рисклари даражасига таъсир қиладиган жараёнларнинг энг аҳамиятлиларидан биридир.

Мамлакатимиздаги энг йирик акциядорлик жамиятларидан бири “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳам молиявий ҳисоботлари таҳлил қилинганда, мазкур субъектнинг товар-моддий захиралари миқдори унинг жорий активлари таркибида муҳим салмоққа эгаллигини кўриш мумкин. Шунингдек, мазкур акциядорлик жамиятининг товар-моддий захиралари миқдори сўнгги беш йилликда фақат юқори ўсиш тенденциясига эга эканлиги ҳам, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишдаги муаммоларни кенгроқ ўрганган ҳолда ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича тадқиқот ишларини янада жадаллаштиришни талаб этади (1-расм).

Қуйида келтирилган расмдан кўришимиз мумкинки, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг товар-моддий захиралари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 262,2 фоизга ошган ҳамда ўтган йиллар давомида товар-моддий захираларнинг миқдори мунтазам равишда юқори даражага ўсиб борган.

Шу сабабли, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг амалиётига кенг жорий қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига янада уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.




1-расм. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жорий активларининг таҳлили [11]

хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини ҳисобга олишни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботнинг

халқаро стандартлари талабларига мувофиқлигини ошириш учун турли босқич ва усуллارни ўз ичига олиши мумкин (2-расм).

Хўжалик юритувчи субъектларда энг аввало, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захираларни баҳолаш усулларини танлаб олиш ҳамда қўллашда мазкур субъектнинг бизнес хусусиятларини инобатга олиш зарур. Маълумки,

маҳаллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби амалиётида энг кўп қўлланиладиган товар-моддий захираларни баҳолашнинг ФИФО (биринчи кирим, биринчи чиқим), ЛИФО (охирги кирим, биринчи чиқим) ва АВЕКО (ўртача топилган қиймат) усуллари ҳисобланади.



2-расм. Товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқлаштириш босқичлари

Хўжалик юритувчи субъектлар товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархинини тўғри ва ҳаққоний акс эттирувчи ва хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес моделига мос келадиган усулни танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, товар-моддий захираларни мол етказиб берувчилардан сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни тизимли равишда ҳисобга олиш товар-моддий захиралар таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида транспорт харажатлари, боғхона тўловлари, буюртмаларни қайта ишлаш ва омбор харажатлари каби тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни ўз ичига олиши мумкин. Товар-моддий захираларни мунтазам равишда жисмоний инвентаризация қилиш товар-моддий захиралар миқдорининг тўғрилигини текширишга ёрдам беради ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳақиқий товар-моддий захиралар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларнинг ўзига хос хусусиятлари, товар-моддий захираларнинг қиймати ва фойдаланиш истиқболларига кўратаснифлаш товар-моддий захираларни бошқаришда ҳамда уларнинг мазкур субъект молиявий ҳисоботлари ва натижаларига таъсирини тўлиқ ва аниқроқ тушуниш имкониятини яратади. Мазкур жараёнда товар-моддий захираларни айирбошлаш мониторинги ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, товар-моддий

захираларни бошқариш самарадорлигини аниқлашга ва инвентарлар даражасини оптималлаштиришга. Бунга товар-моддий захираларни айирбошлаш коэффициенти ва товар-моддий захираларнинг муддати каби ҳисоб-китобларни киритиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, айниқса, товар-моддий захиралар, уларни таснифлаш ва баҳолаш усуллари тўғрисидаги маълумотларни бошқа шахсларга ошқор қилиш нуқтаи назаридан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида кўзда тутилган талабларини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини ўз ичига олган товар-моддий захираларни бошқаришда махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш жараёнида товар-моддий захираларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ҳамда таҳлил қилиш жараёнларини яхшилайти, шунингдек, товар-моддий захираларни бошқариш бўйича хўжалик операциялари самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Товар-моддий захираларни жалб қилиш ҳамда шакллантириш муаммоларини ўрганиш натижасида, кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг захираларини тўғри режалаштириш ҳамда уларни мониторинг қилишнинг мавжуд усулларини қўллашда муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, товар-моддий захираларни тўғри ва ҳаққоний бошқариш

самарадорлиги кўрсаткичларидан аксарият ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларда фойдаланмайдилар. Мазкур самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган ҳисобот даври учун товар-моддий захиралар айланмалари сонини, хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захиралар билан таъминланганлигини тавсифлайди, бундан ташқари, кўрсаткичлар айланма маблағларнинг ортиқчалигини аниқлаши мумкин. Товар-моддий захиралар миқдорини таҳлил қилиш товар-моддий захиралар ва ўз айланма маблағлари мавжудлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини тўлақонли бошқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар миқдорини бошқаришда мазкур субъектларда муаян даражада товар-моддий захирасига эга бўлиши талаб этилади ҳамда иш жараёнларида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириши зарур (3-расм).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини бошқаришнинг муҳимлиги шундаки, мазкур субъектларнинг харажатларини янада

оптималлаштириш ва таннархини мақбуллаштиришдир. Шу сабабли, товар-моддий захираларни бошқариш ва улардан фойдаланиш ҳисобини йўлга қўйиш хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия бўлимларида ахборот таъминотини яхшилашнинг энг асосий муаммоларидан биридир. Бу моддий ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда корхона рентабеллигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлиги билан изоҳланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобининг тўғрилигини ва ҳаққонийлик даражасини ошириш бўйича асосий тадбирлардан бири бу мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусиятларини, товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш, қабул қилиш ва улардан фойдаланиш вақтида қўлланиладиган усулларни тўғри ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳолда бажариш зарур. Шунингдек, товар-моддий захиралар билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишда юқори малакали мутахассислар билан ички назоратни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.



3-расм. Товар-моддий захираларни бошқариш йўналишлари

■ ХУЛОСА

Товар-моддий захиралар ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим объектларидан бири сифатида ўрганиб борилмоқда, шу сабабли мазкур мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади ҳамда мазкур мақолани тайёрлаш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини тўғри ва ҳаққоний қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқлаштириш бўйича асосланган 8 босқични қўллаш натижасида товар-моддий захиралар ҳисобининг тўғри юритилишига, молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар билан боғлиқ маълумотларни ҳаққоний ёритиб берилишига замин яратади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштиришда муҳим методик кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини тўғри бошқариш ҳамда улардан фойдаланишни оптималлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фикримизча, товар-моддий захираларни бошқаришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш ҳамда улар бўйича чоратadbирларни қўллаш субъектларда турли харажатларни оптималлаштириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имконият яратади.

Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Алимханова Нигора Алимхановна Қарши давлат техника университети, доцент в.б. / Алимханова Нигора Алимхановна Каршинский государственный технический университет, и.о. доцента / Alimkhanova Nigora Karshi State Technical University, Acting Associate Professor

► nigoraalimxanova@gmail.com

■ 0000-0002-8857-6535

Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1] O'zbekiston Respublikasining [1]. Хайдаров М.Т. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш тартиби. //Иқтисод ва молия. 2015 йил 8-сон. 61-бет
- [2]. Priniotakis G., Argyropoulos P. Inventory management concepts and techniques. // Aegean International Textile and Advanced Engineering Conference (AITAE 2018). DOI:10.1088/1757-899X/459/1/012060
- [3]. Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A study on inventory management towards organizational performance of manufacturing company in Melaka. //International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences Vol. 8, No. 10, Oct. 2018.
- [4]. Ахрамеева, Е.С. Учетная политика предприятий в современных условиях / Е.С. Ахрамеева // Учет и отчетность. - 2014. - №1. - С.19-22. 20-бетдан
- [5]. Карамзин, Т.В. Запасы предприятий: учебник / Т.В. Карамзин - 4-е изд. испр. и доп. - Москва : Омега-Л, - 2014. - 148с. 87-бетдан
- [6]. Гейц, И.В. Учет материально-производственных запасов в современных рыночных условиях: учебник / И.В. Гейц. - 4-е изд., перераб. и доп. - Москва : ИНФРА-М, 2013. - 214 с.
- [7]. Djalilov, R. H. (2023). Problems of calculation of value added tax in the tax system of the Republic of Uzbekistan. *Intent Research Scientific Journal*, 2(3), 65-71.
- [8]. Samiyeva G. T. (2025). Theoretical basis of the activities of pension funds in Uzbekistan. *THE INNOVATION ECONOMY*, 3(03). Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/924> (Original work published December 29, 2024)
- [9]. Taylakova, D. B. (2023). ANALYSIS OF THE CURRENT STATE AND DEVELOPMENT TRENDS OF THE SERVICE SECTOR IN RURAL AREAS. *Экономика и социум*, (10 (113)-2), 348-356.
- [10]. Samieva G. T. Development and features of entrepreneurial activities in the agrarian sector of the republic of Uzbekistan //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 1279-1284.
- [11] “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари